

ФАЛЕС ВА ДЕМОКРИТ ҚАРАШЛАРИДА ТАСОДИФ КАТЕГОРИЯСИГА МУНОСАБАТ

Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич.

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

Тошқувватов Эргаш Уролович.

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

Турғуналиев Самандар Фарҳоджон ўғли.

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

АННОТАЦИЯ

Муаллиф мақолада қадимги Грек файласуфлари орасидан Фалес ва Демокрит каби алломаларнинг тасодиф ҳодисасига доир билдирган таҳсинга лойиқ бир қатор фикрлари борасида мулоҳаза юритиб, ушибу файласуфлар тасодифни зарурият, сабабият ва эҳтимоллик ҳодисалари билан биргаликда ўрганишганини, чунки бу ҳодисалар доимий равишда бир – бирлари алоқадорликда эканлиги таъкидланган.

Калим сўзлар: тасодиф, зарурият, сабаб, эҳтимоллик, ҳаракат, ҳодиса.

АННОТАЦИЯ

В статье автор прокомментировал ряд похвальных мнений древнегреческих философов, таких как Фалес и Демокрит, о феномене случайности и отметил, что эти философы изучали случайность вместе с явлениями необходимости, причинности и вероятности, поскольку эти явления постоянно связаны друг с другом.

Ключевые слова: случайность, необходимость, причина, вероятность, действие, событие.

ABSTRACT

In the article, the author commented on a number of praiseworthy opinions of ancient Greek philosophers such as Thales and Democritus on the phenomenon of chance, and noted that these philosophers studied chance together with the phenomena of necessity, causality, and probability, because these phenomena are constantly related to each other.

Key words: chance, necessity, cause, probability, action, event.

КИРИШ

Фалсафа илмини эгаллашга ва ундаги муаммоларни, баҳсли масалаларни ҳал этишга киришган ҳар қайси тадқиқотчи ишни аввало, қадимги Грек алломалари(антик дунёning файласуфлари, фалсафа фанининг ривожига тамал

тошини қўйғанлар)нинг қарашларини ўрганишдан бошлайдилар. Жумладан, Фалес ва Демокрит, каби алломаларнинг тасодиф ҳодисасига доир таҳсинга лойик бир қанча фикрлари борки, биз қўйида ана шулар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Масалан, Цицерон «Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди». деб гувоҳлик беради. Демокрит эса тасодифни деярли инкор қиласиди. Аммо, ўзи эътироф этган маънода эмас, балки у сабабсиз тасодифни инкор этади. Бизга маълумки, оламдаги ҳеч бир воқеа-ҳодиса сабабсиз содир бўлмайди. Шу қатори ҳар қандай тасодифнинг асосида ҳам бирон сабаб бўлиши аниқ.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дарҳақиқат, милетлик Фалес табиат ва ундаги жараёнлар ҳақида фикр юритган биринчи донишмандлардан бўлғанлиги бизга маълум. Бинобарин, замондошлари Фалесга мурожаат қилиб: « – Энг кучли нарса нима? – деб сўрашганларида: – Зарурият. Чунки у ҳамма нарсанинг устидан хукмронлик қиласиди, – деб жавоб қайтарган. Ундан: – Энг қийин нарса нима? – деб сўрашсалар – Ўзни англаш»¹. деган экан. Мазкур фикрлардан шу нарса аён бўладики, Фалес заруриятга жуда юқори баҳо бериб, тасодиф ҳақида эса умуман гапирмайди². Лекин, Фалеснинг юқоридаги сўзларидан, биз мақоламиизда муҳим бўлган хулосаларнинг бирини чиқаришда асос сифатида фойдаланишимиз мумкин. Бизнинг назаримизда «энг қийин нарса нима?» деган саволга – тасодиф, деган жавоб ҳам мос келади. Негаки, тасодифни билиш қийин бўлғанлиги учун ҳам, у тасодифдир. Демак, қадимги даврнинг илк донишманди бўлған Фалеснинг мулоҳазалари бизга тасодифнинг зарурият билан ўзаро нисбатини аниқлаштириб олишга катта ёрдам беради, яъни энг кучли нарса бу заруриятдир, энг қийин нарса бу тасодифдир.

Атомистик назариянинг асосчиси бўлган Демокрит қарашларида ҳам тасодиф биринчи даражали, устувор ҳодиса сифатида баҳоланмайди. Аммо, баъзи бир олимларнинг «Демокритнинг атомлар олами ҳаттоки тасодифни мумкин бўлишига йўл қўймайди»³ деган хулосаларига қўшилиб ҳам бўлмайди. Чунки Демокрит фалсафасида тасодифга маълум даражада ўрин берилган. Бу ҳақда бир неча манбалар мавжуд. Чунончи, Демокритнинг «атомлар тасодифий равишда бир-бирига дуч келади ва бир бутунни ташкил этади. Шунингдек, шу пайтгача бир-бири билан боғланмаган ҳар хил атомлар бир-бирига тўғри

¹Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.

² Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич (2020). Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимости. Colloquium-journal, (24 (76)), 55-57. doi: 10.24411/2520-6990-2020-12159.

³ Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

келади» деган мuloҳазасининг ўзиёқ фикримизни яққол исбот қилади. Агарда Демокритнинг бутун дунёдаги ҳаракатлар асосига атомлар ҳаракатини қўйганини эътиборга оладиган бўлсак, Грек олимининг юқорида баён этилган мuloҳазасидан бутун дунёдаги жараёнлар, барча воқеа-ҳодисалар тасодифий равиша бир-бирига тўғри келади, яъни рўй беради деган хулосани ҳам чиқариш мумкин бўлади.

«Ҳеч қандай воқеа-ҳодиса – деб таъкидлаган эди – Демокрит, – сабабсиз вужудга келмайди, балки қандайдир асос ва зарурият кучи остида вужудга келади»⁴. Ушбу фикрдан кўриниб турганидек Демокрит фалсафадаги детерминизм таълимотининг шаклланишига катта ҳисса қўшган. Чунки «Детерминизм таълимотининг мазмuni жуда кенг бўлиб, унинг негизи сабабият мавжудлиги, яъни бир ҳодиса (сабаб) бошқа ҳодиса(оқибат ёки натижа)ни зарурий эканлиги ҳақидаги ғоядир»⁵.

Биз юқорида «Демокрит тасодифни инкор қилади» деган фикрни билдирган эдик. Хўш, Демокрит қандай тасодифни инкор этган? Алломанинг фалсафий меросининг таҳлили шуни қўрсатадики, Демокрит мифологик, яъни хаёлий, афсонавий тақдирни инкор этади. «Демокрит инсон ҳаётидан мифологик «тюхе»-тақдирни ҳайдаб чиқаради»⁶. Бизнинг назаримизда Демокрит «тюхе» деганда кўр-кўрона тақдирга ишонишни назарда тутган бўлиши ҳам мумкин. Агар тахминимиз тўғри чиқадиган бўлса, Демокрит фикрига қўшилсак бўлади. Зотан, тақдирим шу экан, пешонамга шундай ёзилган экан, уларни ўзгартириш мумкин эмас дея ноумид бўлиб, ҳаракатсиз ўтириш мантиқа зид. Бу билан тақдир умуман йўқ деган хулосага келиш керак эмас. Тақдир бор, лекин, ҳар бир инсон тақдирини ўзи яратади. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир инсоннинг тақдири ўз қўлида. Юқорида қайд этганимиздек Демокрит бу фикри билан ўз даврига нисбатан анча олдинга кетади. «Ҳамма одамлар тақдирга ишониб, уни олдида титраб турган вақтларда Демокрит тақдирнинг устидан кулади. Унинг олам устидан ҳеч қандай ҳукмронлиги йўқ ва у ўз йўлини танлаб олган донишмандга ҳеч қандай зарар етказа олмайди деб таъкидлайди»⁷. Демокритнинг бу эътирофи ҳар бир инсоннинг баҳтли ёки баҳтсиз ҳаёт кечириши ўз қўлида эканини, яна ҳам тўғрироғи ҳар бир инсоннинг баҳти ва келажаги фақат унинг ўзига

⁴ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

⁵ Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич (2020). Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимости. Colloquium-journal, (24 (76)), 55-57. doi: 10.24411/2520-6990-2020-12159.

⁶ Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

⁷ Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич (2020). Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимости. Colloquium-journal, (24 (76)), 55-57. doi: 10.24411/2520-6990-2020-12159.

боғлиқлигини билдиради. Шунингдек, ўз ҳаёт йўлини аниқ танлаб олган ва ўз мақсадига эришиш учун доимо олга интиладиган, иродали, сабр-бардошли ва албатта, доно инсонни тақдирнинг ҳеч қандай тўсиқлари йўлидан адаштира олмаслиги таъкидланади.

Демокритнинг «Инсон тасодифдан ўз мақсади йўлида фойдаланган» деган фикри ҳам диққатга сазовор. Бунинг исботи сифатида Демокрит қуидаги ҳаётий мисолни келтиради. «Бизга маълумки, – дейди у – хачирдан хачир туғилмайди. Чунки у табиий пайдо бўлган эмас, балки у сунъий маҳсулот, яъни таъбир жоиз бўлса, у ўзига бино қўйган инсоннинг ўйлаб топган қўпол ихтиросидир. Бу ихтиро шундай бошланган: кунлардан бир кун от тасодифан эшак билан қўшилади. Натижада хачир туғилади. Одамлар эса бундан тегишли хulosha чиқаришади ва насл олиш мақсадида доимий равишда бу икки ҳайвонни бир-бирига қўшиб қўйишади»⁸.

Шу ва шунга ўхшаш мисоллар бизга тасодифлар ҳам инсон манфаати учун хизмат қилганини намоён этади. Юқорида баён этилган «инсоният ихтироси» бироз дағал туюлиши ҳам мумкин. Бироқ инсон ўз тарихи давомида бундай тасодифлардан жуда кўп маротаба фойдаланган ва бу тасодифлар инсониятнинг ҳаёти ҳамда фаолиятида ижобий роль ўйнаган деб айтишимизга сабабdir. Буни бизга тарихий китоблардан маълум бўлган, одамнинг гўштни оловда пишириб истеъмол қилишни ўрганиш ҳолати яққол намоён этади. Ушбу жараён қуидагicha кечади: одам ўз қўлидаги гўштни тасодифан оловга тушириб юборади. У гўштни иссиқ оловдан олгунча орадан бир оз вақт ўтади ва ана шу қисқагина фурсатда гўштнинг мазаси ўзгаради. Натижада оловга тушган гўштни истеъмол қилган одам уни хомлигига қараганда мазалироқ бўлиб қолганини сезади. Чунки гулханда пиширилган гўшт хом гўштга қараганда мазалироқ ва тўйимлироқ бўлган⁹. Шу билан қадимги аждодларимиз гўштни оловда пишириб истеъмол қилишни ўрганишади. Бундай мисолларни келтиришда давом этадиган бўлсак, инсоният тарихи фақат тасодифлардан иборатдек туюлиши ҳам мумкин ва баъзиларнинг «Тараққиёт тасодиф эмас, балки заруриятдир»¹⁰ деган хulosalariга мутлақо ўрин қолдирмайди.

Демокрит фалсафасини ўргангандан бир қанча файласуфлар Демокрит фалсафасида тасодифга катта ўрин берилганлигини таъкидлайдилар: «Филопоннинг ёзиб қолдиришича, Демокрит бизнинг дунё фақат тасодифнинг

⁸ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

⁹ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

¹⁰ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

шарофати туфайли пайдо бўлган... Энг муҳими Демокрит тирикликнинг тузилишини қонуний сабаби тасодиф деб ҳисоблайди.

«Данте Демокрит ҳақида шундай ёзади: «Дунё тасодифдан иборат, деган эди дунёга машҳур файласуф Демокрит»¹¹.

Биз бу мулоҳазаларни келтириш билан Демокрит фалсафасида тасодиф жуда катта ўрин эгаллайди деган ҳукм чиқармоқчи эмасмиз. Бизнинг биргина мақсадимиз бу Демокритнинг тасодиф ҳодисасига бўлган муносабатини холисона ёритишдир.

ХУЛОСА

Энди Демокритнинг тасодиф борасидаги қарашларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, назаримизда Демокрит тасодифий ҳодисалар мавжудлигини эътироф этган. Аммо, унингча тасодифлар бесабаб ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки уларнинг вужудга келишига қандайдир сабаб бўлиши шарт. Демокрит томонидан келтирилган қуйидаги ҳаётий мисоллардан бирига эътиборни қаратамиз: «Боғда олча кўчатини экиш мақсадида ер қазиётган бир одам хазина топиб олади. Аммо, бу топилмани тасодифий эмас деб ҳам айтиш мумкин. Шу маънодаки, у бесабаб эмас. Негаки, ушбу хазинанинг топилишига бир нечта сабаблар мавжуд бўлган. Бу сабаблар қаторига ўша одамнинг кўчат экишга аҳд қилгани ёки келиб-келиб айнан ўша хазина қўмилган жойга кўчат экмоқчи бўлгани кабиларни киритишими мумкин»¹². Демак, Демокрит сабабиятга боғлиқ тасодифни тан олади ёки бошқача қилиб айтганда сабаб бўлмаса тасодиф ҳам бўлмайди.

Қисқаси, Демокрит фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, у ўз қарашларини ҳаётий тасодифга алоқадор мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилган. Хусусан, Демокрит тасодиф ҳодисаси ҳақидаги ўз мулоҳазаларини худди ана шундай услубда баён этади. Бу эса Демокрит фалсафий меросини тез ва соз англаб олишга катта ёрдам беради.

REFERENCES

1. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

¹¹Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.

¹² Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

2. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.
3. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимости. Colloquium-journal, (24 (76)), 55-57. doi: 10.24411/2520-6990-2020-12159.
4. Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.